

Ташландиқ боланинг ҳукми нима?

15:40 / 24.04.2016 4375

Етимни боқиб олишда уни фамилия ва «номи»мизга ўтказмаслигимиз керак, бу маълум, аммо етимнинг ота-онаси маълум бўлмаса нима қилиш керак (ташландиқ бўлса). Кейин қонунан уни «боқиб олишда» ҳам фамилиянгизга ўтказмасангиз ҳар хил муаммолар бўлади, шу муаммолар етимхоналарнинг кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Жамиятимизда етимларнинг сонини камайтиришимиз учун нималар қилишимиз керак?

ЖАВОБ: Ота-онасиз етим қолган болаларни боқиб-тарбиялаш Исломдаги савобли амаллардан саналади. Аммо уларга ота-оналик даъвосида бўлмаслик, уларни боқиб олингани бошқаларга билдирилиши керак. Аллоҳ таоло: «Етимга қаҳр қилма, «соил»га заҳр қилма, Роббингнинг берган неъматини ҳақида сўзла», деган. Зуҳро сурасидаги 9-11-оятларда етимларга Аллоҳ таоло яхшилик қилишга амр қилмоқда, уни хорлаш, камситиш, ҳақини ейишдан қайтармоқда. Ҳадиси шарифда: «Мусулмон оилаларнинг энг яхшиси етимга яхшилик қилувчисидир, энг ёмони эса, етимга ёмонлик қилувчисидир», дейилган. Аллоҳ таоло Моъун сурасида динсиз шахсни маззамат қилиб: «У етимни қўполлик билан ҳайдади», деган. Яъни, ўша охират жазосини ёлғонга чиқарувчи киши етимга қўполлик қилувчи, уни ўз олдидан ҳайдаб солувчи одамдир. Ҳа, фақат охират жазосини ёлғонга чиқарувчи шахсгина етимга шу муомалани қилиши мумкин. Етимни хорловчи, унга зулм қилувчи, ҳаққини поймол қилувчи шахсни диндор деб бўлмайдди.

Етим одатда ожиз, заиф шахс бўлади. Аллоҳ таоло Инсон сурасида (8-10-оятлар) Ўзининг аброр бандалари васфида: «Ўзлари таомни яхши кўриб турсалар ҳам уни мискин, етим ва асирларга беришади. «Албатта, биз сизларни фақат Аллоҳнинг розилиги учун овқатлантирамиз, бунинг эвазига сизлардан мукофот ёки ташаккур хоҳламаймиз. Албатта, биз қўрқинчли, шиддатли, узун кунда ўз Роббимиздан қўрқамиз», дерлар», деган.

Етимларга ёрдам бериш ҳам ниҳоятда савобли иш. Етимларга овқат, кийим-кечак, таълим ва тарбия бериш ўзига тўқларнинг зиммасидаги бурчдир. Шундай қилинса, етим жамият учун фойдали шахс бўлиб етишади. Агар унга бепарво қаралса, камситилса, разолат ва жиноят кўчасига кириб, ўзи яшаётган жамиятга фақат зарар келтирувчи шахсга

айланади. Бунга мисол келтириб ўтириш шарт эмас. Атрофимизга ақл кўзи билан бир назар солсак, бас.

Ислон дини кишилик жамиятида қарор топа бошлаган дастлабки кунларданоқ душманлардан қўлга тушган асир ҳаётини сақлаб қолиш, унинг инсонлик ҳуқуқини ҳурмат қилишга даъват этди. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга оятлар ҳам нозил қилинди. У зот бундан 1400 йил аввал, бутун дунё инсон ҳуқуқи нима эканини билмай турган бир пайтда Аллоҳнинг ана шундай инсонпарвар ҳукмини эълон қилдилар.

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен ва етимнинг қафили жаннатда мана бундаймиз», деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларини бирлаштириб кўрсатдилар» (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий).

Бу ҳадиси шарифда етимни ўз қафолатида олган кишига жаннатда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлишлари ваъда қилинмоқда. Бу эса етимга қафиллик қилиш улуғ иш эканига далилдир.

Бундан етим қафили қариндошлардан бўладими ёки тамоман бегоналардан бўладими барибир, унга бериладиган мукофот олий даражада бўлаверишини билиб оламиз.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким икки мусулмондан бўлган етимни тутиб таом ва шароб берса, албатта, Аллоҳ уни жаннатга киритади», дедилар» (Термизий).

Бева ва етим учун саъй-ҳаракат қилувчи ҳам жаннатий бўлиши ҳақида ҳадислар келган. Демак, бева ва етим учун саъй-ҳаракат қилувчилардан бўлишга уринайлик (Аллоҳ билувчидир).